



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Самимий қўтловлар

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қўтловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!
Америка Қўшма Штатлари номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан муборакбод этаман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мамлакатингиз мустақилликка эришгач, яъни 25 йил аввал бошланган. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашга доир сиёсатимиз бугун ҳам давом этмоқда.

жаруви сифатида муҳим соҳаларда, шу жумладан, иқтисодиёт ва қонун устуворлиги соҳаларида Сиз бошлаган ишларни катта мамнуният билан қайд этаман.

Хукуматингиз билан ўрнатилган ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз ҳамда ушбу алоқаларни янада чуқурлаштириш учун янги имкониятларни ишга солашимиз. Ўзаро умумий манфаатларимизни ҳисобга олиб, мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида бир-галликдаги ишларимизни давом эттирамиз, деган умиддаман.

Самимият билан,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан табриклайман. 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган сайловни юксак даражада, Конституцияга мувофиқ ташкил этган Ўзбекистон халқи тахсинга лойиқ.

мизни мамнуният билан эслайман.

Сизга Ўзбекистоннинг келгуси сиёсий ва иқтисодий тараққиётида давлат раҳбари сифатида улкан муваффақиятлар тилайман. Ишонтириб айтманки, жаноб Антониу Гутерреш бошчилигида БМТ, шу жумладан, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ Ўзбекистон ҳукумати ва халқи билан ҳамкорликни давом эттиради.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Пан Ги МУН,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон ҳукумати ва халқи номидан Сизни 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги галабангиз билан чин дилдан муборакбод этаман.

манфаатли алоқаларимиз бундан буён ҳам ривожланиб бораверади. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Пранаб МУКЕРЖИ,
Ҳиндистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз ва халқингиз қўллаб-қувватлагани билан самимий табригимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда тараққиёт ва фаровонлик йўлини давом эттиришига ишонаман. Сиз кўп йиллар мамлакатнинг Бош вазирлиги сифатида самарали фаолият кўрсатдингиз.

ҳаларимиз ва Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз янада кенгайишига ишонман.

Келгуси йил мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги ва корейларнинг Марказий Осиёга қўчқинининг 80 йиллигини нишонлашимиз, дўстлик ва Ўзаро ишончга асосланган стратегик шериклик муносабатларимиз янада чуқурлашишига умид қиламан. Сиз, Жаноби Олийларига сийхат-саломатлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасига абадий фаровонлик тилайман.

Пак Кин ХЕ,
Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!
Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

ҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Сиз, Жаноби Олийларини Ўзингизга қулай вақтда Чехия Республикасига ташриф билан келишига таклиф этаман. Чехия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги аънавий самимий муносабатлар бундан буён ҳам дўстлик, ҳамкорлик ва Ўзаро ҳурмат руҳида янада ривожланишига ишонаман. Прагада бўлидиган учрашувимиз Чехия ва Ўзбекистоннинг Ўзаро муносабатларини янада чуқурлаштириш имконини беришига ишонаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ ва Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Милош ЗЕМАН,
Чехия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!
Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклар ва ўзининг энг эзгу тилакларимни изҳор этишга руҳат бергайсиз.

ҳамкорлигимиз кенгайишига ишонаман.

Мухтарам Президент Жаноблари, Сизнинг масъулиятли фаолиятингизда мустақам соғлиқ, улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига янада фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Янош АДЕР,
Венгрия Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Сизга раҳмат билан табриклайман. Сиз, Жаноби Олийларининг ўшбу лавозимга сайланганингиз Ўзбекистон халқининг Сизга моҳир ва доно Президент сифатида ишончининг ифодасидир. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда тараққиёт йўлини дадил давом эттиришига ишонаман.

ва мамлакатларимиз турли халқаро форумлар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида Сиз билан ҳамкорликда ишлаш имкониятини сабрсизлик билан кутиб қоламан.

Масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Самимият билан,

Тони Тан Кенг ЯМ,
Сингапур Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Жаноби Олийлари!
Мен ва рафкам Сиз, Жаноби Олийларини Президент сайловида галаба қозonganingиз ва халқингизнинг юксак ишончига сазовор бўлганингиз билан самимий табриклайман.

бари сифатидаги фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига абадий тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига бўлган юксак ҳурматимизни қабул қилгайсиз.

Ал-Мутасиму Султон Бадлишоҳ Янг ди-Пертуан АГОНГ XIV,
Малайзия Қироли

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!
Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табригимни йўллайман.

Ўзбекистон ўртасидаги аънавий дўстлик муносабатлари ва шерикра ҳамкорлигининг янада мустақамлашиши халқларимизнинг умумий манфаати ва истакларига хизмат қилишига ишонаман.

Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром билан,

Чан Дай КУАНГ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси — **Валентина Матвиенко**
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, ички ишлар вазири — **Сайф бин Зайд Ол Нахавн**
БМТнинг Озиқ-овқат ва кишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори — **Жозе Грациану да Силва**
Европа парламенти депутаты — **Ивета Григуле**

Европа парламенти депутаты — **Андрей Мамикин**
«МАХАМ» компанияси раиси ва бош директори — **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**
Испания саноат жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси бош директори — **Хуан Рамон Дуран Пабло**
Саудия Арабистонида яшаётган ватандошларимиз.

2017 йил — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ



Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституцияда ифодасини топган энг асосий мақсад — инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазиға қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан

Буюк мақсадлар билан яшаш саодати

Инсон ҳаётида ўтаётган куннинг қандай бўлгани, аҳамияти эришган ютуқлари билан белгиланса, Ватан ва халқ тақдирида йиллар муҳим рол ўйнайди. Йиллар сарҳисоб қилинади ва натижалар таҳлили олиб борилади.

Жорий йилда халқимиз улкан ютуқлар билан бирга катта йўқотишларни ҳам бошидан ўтказди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси Ислам Каримов вафоти халқимизни оғир қайғуга солди. Аммо халқимиз йўлини йўқотмади, аксинча, янада бирлашди, аҳил-ҳамжиҳат халқ эканини жаҳон узра яна бир бор намойн этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-, 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ мамлакатимизда муқаддатидан олдин Президент сайлови ўтказилди. Сайлов миллий сайлов қонунчилигимизда мустақамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очик-ошқора ва адолатли, халқаро талаблар даражасида бўлиб ўтди.

Президент сайловининг натижалари эълон қилинди

2016 йил 9 декабр куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг 4 декабр куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фуқароларимиз ўзининг юксак сиёсий ва фуқаролик позициясини ҳамда Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини намойн этиб, овоз беришда фаол иштирок этганини таъкидлади.

Фуқаролар овоз беришда иштирок этиши орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашни амалда яна бир бор ифодалди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган овоз бериш жараёнида сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 461 минг 805 сайловчидан 17 миллион 951 минг 667 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижаларига кўра, Сарвар Садуллаевич Отамуратовнинг ёқлаб 421 минг 55 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи, Шавкат Миромонович Мирзиёевни ёқлаб 15 миллион 906 минг 724 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи, Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновни ёқлаб 669 минг 187 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,73 фоизи, Наримон Мажитович Умаровни ёқлаб 619 минг 972 сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,46 фоизи овоз берди.

Шундай қилиб, натижаларга асосан 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев галиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-, 117-моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-, 35, 36-моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисада сайлов Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»-ги ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги қонунларга мувофиқ фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаган ҳамда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш тамойилларига риоя қилган ҳолда бўлиб ўтгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиға тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш жараёнини 5 халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси ва Ислам ҳамкорлик ташкилотидан ҳамда Америка, Европа, Осиё ва Африканин 46 та давлатидан 600 нафар ўтанин кузатувчи кузатиб боргани сиёсий кампания демократия талаблари асосида очик ва ошқора ўтганининг ёркин далилидир. Сайлов жараёнини мониторинг қилишда сиёсий партиялардан 37 мингдан ортиқ кузатувчи ҳам фаол иштирок этди.

Сайловнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Президент сайловини 615 миллий ва 272 хорижий оммавий ахборот воситалари, жумладан, 315 хорижий ва миллий интернет нашрлари ёритиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика маъбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг маъбуот марказлари томонидан мамлакатимиз ва чет элнинг 1 минг 400 нафардан ортиқ журналисти иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган 180 маъбуот анжумани ва онлайн брифинглар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиға тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 22 минг 700 дан зиёд мақола ва ахборот материаллари эълон қилинди, қарсаув ҳамда эшиттиришлар эфирга узатилди.

4 декабр куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ўз олдиға қўйган буюк мақсадлар йўлида — дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш, юртимизни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан модернизация қилиш, халқимиз учун эркин, тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш борасида яна бир улкан қадам қўйганини, таъбир жоиз бўлса, мустақил тараққиётининг янги давриға кириб бораётганини аққол намойн этиди.

БУГУННИНГ НАФАСИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 24 ЙИЛЛИГИГА БАГИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ТОМОНИДАН КЕНГ МУХОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари! Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриқлайман.

Сизнинг раҳбарлигини таъминлашда муваффақиятларга эришишига, минтақада яқин кўшнчилик муносабатларини изчил ривожлантиришига қаратилган ташқи сиёсат юритиш орқали Марказий Осиёда барқарорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишига ишонаман. Германия Федератив Республикаси бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлиш ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр.

Сизга масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, куч-қувват ва омад тилайман.

Йоахим ГАУК, Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сиз Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий табриқларимни йўлладан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлардан мамнунлигимизни изҳор этиб, мамлакатларимиз манфаатлари йўлида ушбу муносабатларни барча соҳаларда янада ривожлантириш йўлида биргаликда саъй-ҳаракат қилишимизни таъкидлайман.

Сиз Жаноби Олийларига сихат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон ва унинг халқига доимий ривож ва фаровонлик тилайман. Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ, Кувайт Давлати Амири

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович! Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Ишончим комилки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасида халқларимиз манфаати, минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида стратегик шерикликни, кўп томонлама ва серқирра ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мухтарам Шавкат Мирмонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, қардош Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Илҳом АЛИЕВ, Озарбайжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович! Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриқимни қабул қилгайсиз.

Украина Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг халқаро ҳуқуқ принциплари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига катъий амал қиладиган ошроули аъзоси сифатида бундан буён ҳам изчил ривожланишига ишонди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ўзаро манфаатли шерикликнинг энг яхши анъаналарини мустаҳкамлаб, халқларимиз манфаати йўлида икки томонлама ҳамкорлик имкониятларини тўлиқ ишга солишга умид қиламан.

Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўзингиз учун қулай вақтда Украинага ташриф буюришингизни таклиф қиламан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Пётр ПОРОШЕНКО, Украина Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович! Сизни Россия Федерацияси Ҳукумати ва шахсан ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриқлайман.

Сайловдаги ишончли галабангиз Сиз давлат институтларини янада мустаҳкамлаш, изчил иқтисодий-иқтисодий тараққиёт ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш бўйича илгари сурган йўналишларга сайловчилар ишоничдана далолат берди. Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон барча соҳаларда янги муваффақиятларга эришишига аминман.

Сиз Россия билан Ўзбекистоннинг дўстона ва шериклик муносабатларини кенгайтириш, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганингизни алоҳида таъкидлайман. Ўзаро серқирра ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ҳукуматлар даражасидаги ишларни фаол давом эттиришга тайёрман.

Мухтарам Шавкат Мирмонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва давлат раҳбари сифатидаги гоят масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Дмитрий МЕДВЕДЕВ, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси

Шунингдек, қуйидагилар ўз табриқларини йўллаган: Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири — **Шайх Ҳасина Вазед МДХ** Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби — **Сергей Лебедев** Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директори — **Кристин Лагард** Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби — **Талел Рифан**

Европа парламенти вице-президенти — **Ричард Чарнецки** Европа иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили — **Питер Буриан**

Европа парламенти депутати — **Артис Пабрикс** Европа парламенти депутати — **Фульвио Мартушелло** Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси депутати — **Кёко Накаяма**

Москва ва Бутун Рус Патриархи — **Кирилл** АҚШ ва Канада Бухоро яхшиликлар конгресси президенти — **Борис Кандов**

М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, академик — **Виктор Садовничий** Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети ректори — **Виктор Гришин**

Корея Республикаси Инҳа университети президенти — **Чве Сун Жа** Хитойнинг «Поли Текноложи» компанияси президенти — **Ван Линь** Россиянинг «Транснефть» компанияси вице-президенти — **Владимир Рушайло**

Кутловлар келиши давом этмоқда.



Гавҳар САЙДОВА, Бухоро туманидаги Галаосиё педагогика коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

— Куни-кеча оиламиз даврасида Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини зўр ҳис-ҳаяжон, диққат-эътибор билан тингладик. Маърузада тилга олинган турмаъно фикр-мулоҳазалар, истиқболимизни белгилаб берувчи йўналишлар барчамизни беҳад мамнун этди. Эртанги кунимизга ишончимизни янада оширди.

Коллективимизда 881 нафар ёш 4 йўналишда таълим-тарбия олади. Уларнинг даржамао бўлиб воёга етишлари учун 132 нафар педагог, ишчи-ҳодимлар фидоийлик кўрсатаётди. Замон талабларидан ортада қолмасликка ҳаракат қилаялмиш.

Хозирги фаолиятимизни сайланган Президентимиз маърузаларидаги талаблар билан қиёслаб кўрсак, бажарилажак ишлар ҳали жуда кўпчилигига ишонч ҳосил қиламиз. Чунинчи, биз педагоглар жамоада аҳилликни таъминлаган ҳолда, ота-оналар, маҳаллалар билан янада яқин бўлиб, фарзандларимиз тарбияси, ўқиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун жиддий шугулланишимиз талаб қилинмоқда.

Маърузада «...биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз», дея эътироф этилгани, «...биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, кўз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларини, ҳорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз», дейилган доно фикрлар мазмун-моҳияти биз педагоглар зиммасидаги масъулиятни бундан-да оширади. Демак, эндиги муҳим вазифамиз Ўзбекистон шон-шуврати учун фидоий, мамлакат байроғини баланд кўтарадиган, ўзбек миллатини дунёга танитадиган ёшларни тарбиялашга қаратилиши шубҳасиз.

Буюк мақсадлар билан яшаш саодати

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ҳар бир янги йилга муайян ном бериш анъанасига асос солган эди. Йилларга ном берилар экан, бу йўналишда давлат дастури қабул қилиниб, соҳадки ишлар ривожини муҳим қадамлар қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2017 йилга «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб ном беришни таклиф этди. Бу Биринчи Президентимиз бош-лаб берган инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳандала эркинликларни мўқаддас саналиши каби гоаянчи мантиқий давомий бўлди.

«Бизнинг энг катта бойлигимиз бу меҳнатсевар халқимиздир», деган эди Биринчи Президентимиз. Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган тўб ўзгаришлар ва ислохотларни, барча ҳудудларда баҳариланган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари замирида халқ манфаати, аҳоли фаровонлиги муҳимас.

Инсон манфаатлари, халқ фаровонлигини таъминлашда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини билиш муҳим ҳисобланади. Одатда яхши тақлиф ва муаммоли масалалар самимий мулоқот ва суҳбатларда етилади ва ечимини топади.

«Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни



Дониёр РАСУЛОВ, «GM-Uzbekistan» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси ёшлар кенгаши раиси

— Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бош Қомусимизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ёш авлод манфаатлари, уларнинг камолоти, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларига алоҳида урғу берилди. Истиклолнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани самараларини, ҳеч бир муболагасиз айтишимиз мумкинки, бугун бугун дунё кўриб турибди.

Айни пайтда «GM-Uzbekistan» акциядорлик жамиятида 30 ёшгача бўлган 3 минг 453 нафар навқирон мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Бу катта куч, албатта. Бошлангич таълимимиз лойиҳаларини муваффақиятли рўйбга чиқаришда маъмурият ҳамда бошлангич касаба уюшма қўмитаси мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бизда меҳнат қилиш ва яшаш учун қулай шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Чунинчи, корхонамизда фаолият кўрсатаётган ҳамда катта ютуқларга эришяётган 7 нафар ёш оила соҳиблари бу йил «Камолот» уйларига эга бўлдилар. Бундан ташқари, 30 ёшгача бўлган ҳодимларга маиший техника воситалари харид қилиши учун корхона ҳисобидан фоиғсиз ссудалар бериб берилмоқда. Бу каби жиҳатлар муваффақиятларимизга асос бўлиб хизмат қилляпти.

Маърузада «...ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак», дея алоҳида таъкидлангани барча тенгдошларим қатори менга ҳам қанот бағишлади.

Бундай эътибор биз ёшларни эртанги кунга, ёруғ келажакка мустаҳкам ишонч билан яшашга, янги марралар сари дадил интилишга ундайди.

лан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишининг янги механизмлари ва самарали усулларини топиш учун имконият яратлади.

«Бизнинг асосий мақсади-миз — «Халқ қабулхоналари»га қилинган ҳеч бир муносабат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат», — деди Ш.Мирзиёев. Бу дегани ҳар бир туман ва шаҳарда ташкил этилиши кутилаётган «Халқ қабулхоналари» фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўйбга чиқарадиган куч сифатида амалиётга жорий этилади.

Яна бир жиҳат: бу қабулхоналар ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, кунун, фармон ва қарорлар ижросини аҳолининг кенг қатламга етказиш, уларнинг самарадорлигини янада оширишда муҳим қадам бўлади. Бу ишлар инсон манфаатларини таъминлашга, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттиришга асос бўлади.


Халқимиз буюк мақсадлар, эзгу ниётлар билан яшаш қандай юксак марраларга, саодатда мушарраф эътишини яхши билади. Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, деган тамойил халқимиз ҳаётининг изчил ўсиб бораётганида ўзининг яққол ифодасини топомқда. Шу боис Ватанимиз мустақиллигининг қадрига етиши, уни мустаҳкамлаш учун курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

Мустақиллик йилларида эришилган улуғвор натижалар давомийлигини халқимиз ўзи танлаган, ўзи сайлаган Президент билан ўзаро муносабатларининг тўбдан такомиллаштиришига замин бўлиб, аҳоли билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги асосий вазифалар давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларининг тўбдан такомиллаштиришига замин бўлиб, аҳоли билан мулоқот қилишни

оллари байрамлар арафасида ташриф буюриб, ҳурмат-эҳтиромларини баҳо келтиришди, — дейди Нортжой опа. — Фарзандимнинг юрт қорига яраганидан, ота-онасига раҳматлар келтирилганидан кўнглим гурурга тўлади.

Шунингдек, касаба уюшмаларининг байрам туғфалари сайхунободлик марҳум лейтенант Хайрулла Бозоров ҳамда Сирдарё туманилик Эмомлон Отажоновнинг ота-оналарига ҳам топширилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» муҳбири



Музаффар ОТАБОВЕВ, Хоразм вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири

— 2017 йилга «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб ном берилиши мамлакатимизда инсон манфаатлари барча нарсадан устун эканлигининг, олиб борилаётган ислохотлар замирида халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш каби эзгу ва улуғвор мақсад турганлигининг ёрқин ифодасидир.

«Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак», дея эътироф этди сайланган Президентимиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳодимлар билан мулоқотни мустаҳкамлаш, уларнинг қалбига қулоқ тутиш, қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш касаба уюшмаларининг ҳам бош мақсадиридир. Кейинги йилларда касаба уюшмалари томонидан муносабатлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ишонч телефонлари» кеча-кундуз ишлаётгани, юридик клиника ташкил қилиниб, меҳнатқашлардан келган ариза ва шикоятлар ўз муддатида ҳал этилаётганиги ташкилот нуфузини тобора оширмоқда.

Зеро, касаба уюшмаси, авваломилар, ҳодимлар манфаатини ҳимоя қилувчи жамоат бирлашмаси. Ишчи-ҳодимларни ҳимоя қилиш учун аввало улар нимани хоҳлашини яхши билишимиз, фаолиятимизни шунга мувофиқ тарзда олиб боришимиз талаб этилади.

Жойларда очиқ эшиклар қунари ташкил қилиниб, ҳодимларнинг орзу-истаклари узлуксиз тарзда ўрганиб борилиши ва улар инobatга олиниб, тегишли тартибда ҳал қилиниши устувор мақсадларимизга хизмат қилади.

Муносабат

Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги «Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонуни касаба уюшма ташкилотлари фаоллари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Фаолият кафолати

— Юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳага дахлдор қўллаб қўнуни ва қонуности ҳужжатлари амал қилляпти. Турли грантлар ажратиш, ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш орқали ННТлар фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши дунёда бошқа бирор жойда учрамайди. Таъкидлаш керакики, касаба уюшмалари ҳам мамлакатимизда фаолият олиб бораётган энг йирик жамоат ташкилоти сифатида мавжуд ҳуқуқий база, ижтимоий шериклик тамойиллари, жамоа шартномалари орқали берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳодимлар манфаатини самарали ҳимоя қилиб келмоқда.

Ҳодимларнинг қонуний ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун тизимининг янада изчил ишланиши таъминлашга хизмат қилади. Аввало, қонунида «меҳнатқашлар», «маъмурият», «ишдан бўшатилиш» каби эскирган атамалар «ҳодим», «иш бериувчи», «меҳнат шартномасини бекор қилиш» каби аниқ ҳуқуқий таърифга оғ сўзлар билан алмаштирилди. Зеро, аввал тахрирда мавжуд бўлган бу каби жумлалар Меҳнат кодексида келтирилган атамалар билан номувофиқлик ҳосил қилиб, ҳуқуқий чалқашликларга сабаб бўлиши мумкин эди.

Бундан ташқари, янги қонунда касаба уюшмаларининг жамоатчилик назорати доирасидаги фаолияти кафолатланиб, аввалги «назорат» атамаси ўрнига «жамоатчилик назорати» сўзи ишлатилди. Натижада, уюшма вакиллари томонидан олиб бориладиган назорат ҳуқуқий асосланди.

«Тахиятош дон махсулотлари» акциядорлик жамиятида 368 нафар ҳодим меҳнат қилиб келмоқда. Шундан 72 нафари хотин-қизлар, 17 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг меҳнат ҳуқуқлари мамлакатимизда амалда бўлган мустаҳкам қонунчилик нормалари асосида амалга оширилади. Ҳодимлар қонунларда белги-ланган имтиёзлардан ташқари, жамоа шартномаси асосида яратилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб келмоқда.

Биламизки, юртимизда касаба уюшмалари бирлашиш ҳуқуқи ҳамда касаба уюшмалари фаолиятининг кафолатлари Конституциямизда ўз ифодасини топган. Жумладан, Конституциянинг 34-моддасида фуқароларимизнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, 59-моддада касаба уюшмалари ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилиши қайд этилган. Республикамизда касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солуви 50 дан ортиқ меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунингдек, соҳага дахлдор 17 та халқаро шартномага қўшилган.

Айтиш жоизки, яқинда кучга кирган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун касаба уюшма фаоллари томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Зеро, янги қонун мавжуд чалқашликларга барҳам бериб, фаолиятимизни мувофиқлаштиришга имкон туғдирмоқда.

Женисбай АЛИМОВ, «Тахиятош дон махсулотлари» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Тахиятош дон махсулотлари» акциядорлик жамиятида 368 нафар ҳодим меҳнат қилиб келмоқда. Шундан 72 нафари хотин-қизлар, 17 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг меҳнат ҳуқуқлари мамлакатимизда амалда бўлган мустаҳкам қонунчилик нормалари асосида амалга оширилади. Ҳодимлар қонунларда белги-ланган имтиёзлардан ташқари, жамоа шартномаси асосида яратилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб келмоқда.

Ўзбекистон банк тизими:

Халқимизга хизмат қилиш энг олий саодатдир

Халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб берган, миллий давлатчилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим борю этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдевори — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Дарҳақиқат, Асосий Қонунимиз қабул қилинган пайтдаёқ, юртимизда ишончли, қафолатли ва барқарор банк тизимининг самарали фаолият кўрсатиши учун тамал тоши қўйилган эди.

Шундан келиб чиқиб, Марказий банк миллий тараққиёт ва жаҳон тажрибасини эътиборга олган ҳолда, банк тизими қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, олиб борилаётган ислохотлар

жорий йилнинг октябр ойида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси «Бизнесни юриш — 2016» янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон кредитлаш соҳаси бўйича охириги уч йил ичида дунёнинг 189 та давлати орасида бир йўла 145 поғона кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади.

сислар 2017 йилда Ўзбекистон банк тизими кредитлаш соҳасида янада юқори поғонага кўтарилишини таъкидлаётгани қувонарли ҳолдир.

ДАСТУР ИЖРОСИ ИЗЧИЛ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Маълумки, 1996 йилдан бунён қилиб келаётган Янги йилга ном бериш эзгу аънана тусини олди. Унга мувофиқ, қабул қилинаётган Давлат дастурининг ижроси эса, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларнинг обод этиш, аҳоли ҳаёт даражаси ва турмуш шароитларини яхшилашга кенг йўл очмоқда.

Мазкур муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида республикаимиз банклари томонидан аниқ мақсадли чора-тадбирлар қўрилатгани тўғрисида маълум қилиш зарур.

Тижорат банкларининг молиявий кўмағида жойларда улар учун 90 та қўн қаватли «Камолот» уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу хонадонлар ёш оилаларга 20 йил муддатга бошланғич бадалсиз ипотека кредити асосида берилиши мамлакатимизда уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

вишда фаолият кўрсатаётганидан далолатдир. Шунинг учун ҳам инвесторлар юртингизда муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Соғлом она ва бола йилида, шунингдек, ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш масаласи ҳам банкларнинг диққат-эътиборида бўлиб, ажратилаётган имтиёз-кредитлардан унумли фойдаланаётган фермер хўжаликлари пахта ва галла етиштириш бўйича шартномавий режаларини ортиги билан худдалашга эришишди.

— Мустақиллик йилларида республикаимиз банк тизими ҳар томонлама ривожланиб, фермер тадбиркорларнинг ҳақиқий кўмакчиси бўлишга улгурди, — дейди Ўзбекистон Қархона-«Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари Азим Латипов. — Таъкидлаш кераки, бу тизим Марказий банк бошчилигида иқтисодиётимиз, аниқсиз, унинг етакчи соҳаларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиғига инвестицияларни жалб қилиш каби устувор вазифаларни тўлиқ баҳариб келмоқда.

Худудий дастурларга киритилган лойиҳалар банклар томонидан ўз вақтида молиялаштирилмоқда. Хусусан, калава ип ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган «Маданият артекс» масъуляти чекланган жамиятини ривожлантириш шундай лойиҳалардан биридир.

